

**–ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЖИБАЕВА НАЗОКАТХОН КОБИЛЖОНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАЛАБАЛАРИДА МЕНЕЖЕРЛИК
КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Тожибаева Назокатхон Кобилжонова

Олий таълим ташкилоти талабаларида менежерлик кўникмасини
ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш..... 3

Тожибаева Назокатхон Кобилжонова

Совершенствование механизмов развития менеджерских навыков у
студентов высших учебных заведений..... 21

Tojibaeva Nazokatkhon Kobiljonovna

Improving the mechanisms for the development of managerial skills among
students of higher educational organization..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЖИБАЕВА НАЗОКАТХОН КОБИЛЖОНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАЛАБАЛАРИДА МЕНЕЖЕРЛИК
КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped42365 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исянов Равиль Геннадьевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Хўжаев А.Ижон Атабекович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил "13" 01 соат 8⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (136 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2022 йил "5" 01 да тарқатилди.
(2022 йил "5" 01 да 47 -рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.М.Медетова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қўшма раиси, п.ф.д., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ижтимоий ва илмий-техникавий соҳаларда олиб борилаётган глобал ўзгаришлар олий таълим жараёнини менежмент талаблари асосида такомиллаштиришнинг креатив технологиялари амалиётга татбиқ этилмоқда. Жанубий Корея, Хитой, Россия, Германия, Франция каби мамлакатларда талабаларнинг менежерлик қобилиятларини ижтимоий-психологик тренинглари, ишбоп ўйинлари, телекурсувлари, дебатлари асосида ривожлантириш, замонавий таълим менежменти тамойиллари воситасида корпоратив ва коучинг хизматларини такомиллаштириш, интеллектуал ахборот тизимларини бойитиш, Форсайт технологияси асосида касбий компетенцияни прогноллаштиришга йўналтирилган йирик амалий лойиҳаларни жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот ва таълим муассасаларида талабаларнинг менежерлик кўникмасини ривожлантириш, бўлажак педагогик кадрларга педагогик жараённинг самарали бошқарув тизимларини ўргатиш, олий таълим жараёнини самарали ташкил этишда фан-техника ютуқларига асосланган бошқарувнинг энг самарали, инновацион методларидан фойдаланиш, бошқарув йўналишида билим, кўникма ва компетенцияларни, шахсий ҳамда касбий сифатларни ривожлантириш бўйича илмий-изланишлар олиб борилмоқда. Педагогик йўналишда тайёрланаётган мутахассисларда менежерлик кўникмасини ривожлантириш, педагогик таъсирнинг самарадорлигини ошириш, таълим жараёнини замонавийлаштириш, муваққил фикрлайдиган, самарали бошқарув малакаларини шакллантириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда бўлажак тарбиячиларда менежерлик кўникмасини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, янгилик ва кашфиётларга мойиллик, ижодийлик, ўзгарувчан муҳитга мослашувчанлик, тадбиркорлик, лидерлик жиҳатларини шакллантиришнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига хос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ ларга оид муҳим вазифалар белгиланди. Булар, талабаларнинг менежерлик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатларини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”², 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

¹ “Таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига хос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 391-сон “Мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожланишнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак педагогларда менежерлик кўникмаларини шакллантиришнинг назарий жиҳатлари Р.Ахлидинов, Қ.Абдурахмонов, Н.Азизхўжаева, Ҳ.Аҳмадхўжаев, Д.Аширов, Р.Жўраев, Я.Исмадияров Р.Исянов, У.Иноятов, Ж.Йўлдошев, Ш.Курбанов, Х.Рашидов, Э.Сейтхалилов, Ш.Шариповлар томонидан илмий асосланган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан Ю.Бабанский, Т.М.Баймолдаев, Т.М.Давыденко, А.Д.Даржания, Т.Кабатченко, А.Я.Кибанов, Ю.А.Конаржевский, Э.М.Коротков, Н.Селезнева, Ф.Тейлорлар лидерлик ва менежерлик кўникмаларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Хорижий давлатлар педагог-психологлари Ch.D.Argyris, W.Bennis R.M. Strogdill, R.Dilts, A.Fayol, A.Gilbert, McGill, J.Raven, B.Phillipлар менежерлик кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий-методик асосларини тадқиқ этишган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот режасининг ПЗ-20170923121-рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020й.й).

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача таълим йўналиши талабаларида менежерлик кўникмасини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабгача таълим йўналиши талабаларида менежерлик кўникмасини ривожлантиришнинг педагогик ва психологик хусусиятларини таҳлил қилиш;

мактабгача таълим йўналиши талабаларида менежерлик кўникмасини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

талабаларнинг менежерлик кўникмасини электрон-дидактик воситалар билан узвий алоқасини таъминлаш асосида ривожлантириш;

мактабгача таълим йўналиши талабаларининг менежерлик кўникмасини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларда менежерлик кўникмасини ривожлантириш

механизмларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент давлат педагогика университети, Чирчиқ давлат педагогика институти, Андижон давлат университетлардан жами 420 нафар талабалар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини мактабгача таълим йўналиши талабаларида менежерлик кўникмасини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида мавзуга оид педагогик, психологик манбалар, ДТС, малака талабларни қиёсий ўрганиш, суҳбат, тест, анкета-сўровнома, математик-статистик таҳлил каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талабаларида менежерлик кўникмасини ривожлантиришнинг педагогик механизмлари талабаларда лидерлик, етакчилик, бошқарувчилик, инноваторлик компетенцияларини тизимли шакллантиришга йўналтирилган ривожлантирувчи таълим технологияларини миллий кадриятли ёндашувларга мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда менежерлик кўникмасини ривожлантириш таълим жараёнини меҳнат бозорининг замонавий талабларига мослаштириш, мустақил фикрлайдиган, самарали бошқарув малакаларини шакллантиришга хос реал ҳаётий вазиятларни шахсий муваффақиятларга интеграллаштириш асосида такомиллаштирилган;

менежерлик кўникмасини ривожлантириш технологиялари шахслараро, гуруҳий, жамоавий ва миллий кадриятларга йўналтирилган менежерлик-касбий ривожланиш мотивлари ҳамда акмеологик-тизимли ёндашувларни шахсий ўсиш жараёнига киритиш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда менежерлик кўникмалари коммуникатив-ташкилий вазиятларни яратиш, ишончга сазовор бўлиш, жамоани ишонтира олиш, ностандарт вазиятларда мустақил ижодий қарорлар қабул қилиш ҳамда бошқарув маданияти даражасини ошириш динамикасини қиёсий аниқлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларида менежерлик кўникмасини ривожлантиришнинг методик таъминоти такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабалари учун “Мактабгача таълимда раҳбарлик” номли дарслиги яратилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сонли буйруғи):

олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш бўйича электрон таълим ресурси яратиш бўйича тавсиялар ҳамда талабаларга мотивация берувчи топшириқлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога педагогик ва психологик, методик ёндашув асосида бўлажак мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг менежерлик кўникмаларини ривожлантириш

ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи педагогларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларида менежерлик кўникмасини ривожлантиришнинг методик асослари, етакчилик қобилияти, фантазия ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришдаги муайян илмий қарашлар, ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилганлиги ва такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларида менежерлик кўникмасини ривожлантириш механизмларидан мактабгача таълим йўналиши давлат таълим стандарти, малака талаблари, янги авлод дарслик, ўқув ва методик қўлланмаларини яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларида педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

олий таълим муассасалари талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик механизмлари лойиҳавий таълим, аралаш ўқитиш, семинар-тренинглари ва инновацион-интерактив технологияларга асосланган дастурни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга оид тавсияларидан “Олий таълим муассасалари негизида мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг касбий компетенцияси ва методик таъминотини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда кенг фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 4 декабрдаги 02-07-3941/04-сон далолатномаси). Натижада, олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларида педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш жараёни самарадорлигининг ошишига эришилган;

олий таълим муассасалари талабаларида педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантиришнинг интегратив модели энержайзер технологияларига (ижтимоий-психологик тренинглари, ишбоп ўйинлари, лойиҳавий таълим) асосланган ижодий, мустақил фаолиятни ташкил этишнинг имитацион (контекстли-ўйинли вазиятлар) усулларини қўллашнинг педагогик шартларини жорий этишга оид тавсиялари “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 4 декабрдаги 02-07-3941/04-сон далолатномаси). Натижада, мазкур тузилма бўлажак педагогларнинг менежерлик кўникмалари ривожлантиришга оид билимларни мустаҳкамлашга, таълим сифатини таъминлашнинг миллий

йўналишларини ҳисобга олишга, мустақил фикрлай оладиган, бошқарувчилик маданияти шаклланган шахсни тайёрлашга хизмат қилган;

олий таълим муассасалари талабалари менежерлик фаолиятини ривожлантиришда мулоқотнинг мунозарага асосланган шакллари, ривожлантирувчи таълим муҳити, менежерлик сифатлари намоён бўлишининг интернал ва экстернал даражалари билан оптималлаштириш бўйича тавсиялари асосида “Мактабгача таълимда раҳбарлик” дарслиги тайёрланган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 4 декабрдаги 02-07-3941/04-сон далолатномаси). Натижада, интегратив ва дидактик технологиялардан ўқув жараёнида фойдаланишга доир тавсиялар талабаларнинг менежерлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

талабаларда лидерлик кўникмалари коммуникатив-ташкилий вазиятларни яратиш, ишончга сазовор бўлиш, жамоани ишонтира олиш, ностандарт вазиятларда мустақил ижодий қарорлар қабул қилиш ҳамда бошқарув маданияти даражасини ошириш динамикасини қиёсий аниқлаш асосида такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида “Мактабгача таълимда раҳбарлик” дарслиги тайёрланган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 4 декабрдаги 02-07-3941/04-сон далолатномаси). Натижада, талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш бўйича таълим заҳираларини яратиш имкони оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 12 та илмий-услубий ишдан 5 та мақола 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 132 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “менежер” ва “лидер” тушунчаларининг талқини, уларнинг олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда

менежерлик кўникмасини ривожлантиришдаги ўрнининг илмий-назарий масалалари ва педагогик шартлари, шунингдек, бўлажак тарбиячиларда менежерлик кўникмаларини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати баён қилинган.

Мамлакатимизда менежер ва лидерларни тарбиялашнинг ривожланишига М.Шарифхўжаев, С.Ғуломов, Ё.Абдуллаев, Қ.Абдурахмонов, Ш.Зайнуддиновлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар катта ҳисса қўшган бўлса, таълим менежментининг ривожлантириш йўналишида Р.Аҳлидинов, Ж.Йўлдошев, У.Иноятов, Я.Исмадияров, Р.Исянов Ш.Курбонов, М.Қурононов, Л.Терегудов, М.Саидов, Э.Сейтхалилов, Х.Рашидовларнинг тадқиқотлари ва илмий ишларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Менежментни ўрганишга киришган етакчи мутахассислардан бири Ф.Тейлор бўлиб, илмий бошқариш мактабининг ривожланишига асос солди ва “Илмий бошқариш” мактаби асосчиси сифатида меҳнатни меъёрлаш асосларининг методологиясини ишлаб чиқди, амалиётга ишчиларни танлаб олиш, жойлаштириш ва меҳнатни рағбатлантириш илмий ёндашувини татбиқ қилди.

Ижтимоий психологияда бошқарув соҳасида батафсил ўрганилган муаммолардан бири—турли бошқарув услубларидир. Бу соҳада немис олимлари Г.Гибш ва М.Форверг, рус олимлари М.Ю.Жуков, В.Д.Паригин, Л.Н.Уманскийларнинг ишлари, айниқса, диққатга сазовордир.

Амалга оширган тадқиқотлар бўйича таҳлилларимиз натижасида, биз глобаллашув, иқтисодиётнинг барча соҳаларда рўй бераётган ва жадал кечаётган ўзгаришлар мактабгача таълим сифатига талабни янада кучайтирмоқда деб, ҳисоблаймиз.

Анъанавий мактабгача таълим тизими бевосита бугунги кун эҳтиёжларига мўлжалланган эди. Ҳозир эса, мутахассислар тайёрлашни бошқарувга асосланган ҳолда ўқитилишнинг истиқболларини белгилашни ҳисобга олиб ташкил этиш кун тартибига қўйилган. Доимий бандликни кафолатламаётган меҳнат бозори мутахассисдан эгаллаган билими билан чегараланмасдан, бутун умри давомида ўқиш, малакасини ошириб боришни тақозо қилмоқда. Бу тайёрланаётган мутахассисларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини янада оширишни-бошқарувчилик кўникмаларини эгаллашни, амалий кўникмаларни пухталаштиришни, ҳудудий ҳаракатчанликни талаб этмоқда.

Ушбу масалаларни ҳал этишда мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот ишимиз доирасида олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларида педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантиришнинг аҳамияти очиб берилди (1-расм).

Бўлажак тарбиячи шахсини касбий ҳамда бўлажак раҳбар ва лидер бўлиб шаклланиши, ўз устида қизиқиш билан ишлаши, янги билимларни ўзлаштириши, таълим муассасаларини бошқариш ва иш фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган маълумотларни ўрганиши, яъни менежерлик кўникмаларни ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш воситаларига боғлиқ.

Бўлажак мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларида менежерлик кўникмаси ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш механизмлари фан-техника ютуқларига асосланган энг самарали технологиялар ва ўқитувчилар ўз

фаолиятида афзал билган ҳамда илмий асосланган барча воситалардан ташкил топган тизим сифатида қаралади. Бунда, бир томондан, менежерлик кўникмасини ривожлантириш жараёнларидаги ҳамкорликдаги фаолият, бошқа томондан, тарбиявий муносабатлар касбий кўникмаларни ривожлантириш жараёнларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.



1-расм. Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларида педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш жараёни

Менежерлик кўникмасини ривожлантириш воситаларининг назарий-методологик асослари педагогик жараёнларнинг янги шаклини вужудга келтирувчи, таълимнинг таркибий тузилиши сифатларини белгиловчи янги ғоялар ҳисобланади. Шунга кўра, олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларида педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш воситаларини тавсифловчи интегратив хусусиятларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

инновацион тартибда фаолият кўрсатишни ташкил этишнинг умумий тамойиллари;

бўлажак мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ғояларнинг мавжудлиги;

ижтимоий организм сифатида жамоани ривожлантириш ва бўлажак тарбиячи-ихтирочилар жамоасини вужудга келтириш бўйича ташкилий-методик фаолият;

янги таркибий тузилишга эга ва мазмунан ривожлантирилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

таълим жараёни субъектларининг ижодий қобилиятларини психологик-педагогик жиҳатдан ривожлантириш;

таълим муассасасида психологик хизматни такомиллаштиришда субъектларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

ягона таълим-тарбиявий мақсадни амалга ошириш ва ривожлантириш учун ўзаро бириккан талаба, ўқитувчи ва ота-оналарнинг ҳамкорлигини вужудга келтириш.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантиришнинг мазмуни, методи шакли ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобида олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантиришга методик ёндашув асосида такомиллаштирилган механизм ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқишга оид тавсиялар берилди ҳамда олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантиришнинг ташкилий тузилмаси таклиф қилинди.

Маълумки, инсон ҳар доим ўсиш ва ривожланишдадир. Шундай экан, инсон камолотига таъсир этувчи омилларнинг илмий-назарий моҳиятини барча педагогик жамоа раҳбарлари тўғри тушунишлари лозим. Ҳар бир педагог ўз педагогик фаолиятини турли хил шароитларда ва жамоа ташкилотчилари бўлган инсонлар таъсирида амалга оширади. Педагогнинг фаолиятига таълим муассасасидаги бугунги шароит ҳамда жамият учун фойдали ва зарур мақсадларни амалга оширишда шахс ривожига ва шаклланишига кучли таъсир қиладиган одамлар гуруҳи бўлган педагогик жамоадаги руҳий муҳит ўз ҳукмини ўтказади. Жамоа жамиятнинг бир бўлаги сифатида унинг барча хусусиятларини қамраб олади. Ғоявий, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий-маънавий ва бошқа жабҳалар шулар жумласидандир. Бугунги кунда бўлажак мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини ўқитилаётган фанлар кесимида етакчи лидер сифатида тарбиялаб боришни ва менежерлик сифатларини ривожлантириб бориш келажакда катта самарадорликка олиб келади.



2-расм. Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларининг педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш модели

Таҳлилий мулоҳазалар ва назарий фикрлар, тамойиллар ва қонуниятлар ўрганилиб, тадқиқот ишимизда олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларининг педагогик фаолиятида менежерлик кўникмасини ривожлантириш модели такомиллаштирилди.

Ушбу моделнинг мақсади шундан иборатки, бунда юқори даражали менежерлик кўникмасига эга бўлган тарбиячи тайёрлаш кўзда тутилган.

Модель бир қанча хусусиятларни ўз ичига олади:

Биринчиси. Таълимда компетентли ёндашувни амалга ошириш таълим натижасига урғу берадиган ёндашувдир. Бунда таълим натижаси ўзлаштирилган ахборотлар йиғиндиси эмас, балки шахсни турли муаммоли вазиятларда ҳаракат қилиш қобилиятидан иборат бўлади.

Иккинчиси. Менежерлик кўникмаси ҳозирги кунда инновацияларни татбиқ этиш учун креативликка боғлиқ бўлган инновацион таълим технологияларига асосланган касбий компетентли тарбиячи фаолиятидаги ижодий қобилиятдир.

Бўлажак мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларида менежерлик кўникмаларни ривожлантириш жараёнларида ўқитувчилар билан талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, яъни субъект-субъект муносабатларини шакллантириш тарбиявий муносабатлар асосида амалга оширилади ва мазкур жараёнда менежерлик кўникмаси ривожланиб боради. Тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ривожланиши менежерлик кўникмасини ривожлантириш муҳитида ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлиги ҳамда интегратив ва дидактик машғулотлар билан узвий боғлиқ бўлади.

Менежерлик кўникмасини ривожлантириш воситаларининг назарий-методологик асослари педагогик жараёнларнинг янги шаклини вужудга келтирувчи, таълимнинг таркибий тузилишининг сифатларини белгиловчи янги ғоялар ҳисобланади. Шунга кўра, олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларида педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш воситаларини тавсифловчи интегратив хусусиятларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

инновацион тартибда фаолият кўрсатишни ташкил этишнинг умумий тамойиллари;

бўлажак мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ғояларнинг мавжудлиги;

ижтимоий организм сифатида жамоани ривожлантириш ва бўлажак тарбиячи-ихтирочилар жамоасини вужудга келтириш бўйича ташкилий-методик фаолият;

янги таркибий тузилишга эга ва мазмунан ривожлантирилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

таълим жараёни субъектларининг ижодий қобилиятларини психологик-педагогик жиҳатдан ривожлантириш;

таълим муассасасида психологик хизматни такомиллаштиришда субъектларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

ягона таълим-тарбиявий мақсадни амалга ошириш ва ривожлантириш учун ўзаро бириккан талаба, ўқитувчи ва ота-оналарнинг ҳамкорлигини вужудга келтириш. Бундай ҳолларда директор бошқарув функциялари билан бир қаторда ўқитувчи ва тадқиқотчи функцияларини ҳам бажариши зарур.

Тадқиқот ишимизда, интегратив ва дидактик машғулотлар асосида олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларнинг педагогик фаолиятида менежерлик кўникмасини ривожлантиришни семинар тренинг дастури орқали асослаб кўрсатдик. Талабаларда таълим муҳитини бошқариш сифатларини шакллантириш учун бир қатор ўйинлардан фойдаланилди, айрим методик ўйинлар такомиллаштирилди.


Диссертацияда олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларининг педагогик фаолиятида менежерлик кўникмасини ривожлантириш ва уларни педагогик фаолиятга тайёрлаш борасида, шунингдек, касбий кўникмаларни ҳам назарда тутган ҳолда, уларнинг таҳсил олиш жараёнида таъсир этувчи омилларни инобатга олиш муҳимлиги далилланган. Бундай омиллар сирасига: умумкасбий фанлар, педагогик амалиёт, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, махсус фанлар ҳамда махсус ишлаб чиқилган семинар тренингларни киритиш мумкин. Том маънода, бу омиллар таълим муассасасининг ўқув-тарбиявий ишлари мазмунини ташкил этади.

Шу ғояга асосланиб, биз тадқиқот ишимизнинг кейинги даврасида ана шу омилларнинг таъсирини, уларнинг моҳият ва мазмунини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва менежерлик кўникмасини ривожлантиришга қаратилган махсус семинар-тренинглар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишимиз жараёнида лойиҳали ёндашув асосида бўлажак мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг менежерлик кўникмасини ривожлантириш тизими такомиллаштирилди (3-расм).

Лойиҳа тавсифи сўнги пайтларда лойиҳали ёндашув фаолиятини намунали ва изчил бошқаришда ягона омил бўлиб қолмоқда. Ушбу фикр бир қатор муҳим тавсифлар билан асосланган бўлиб, Ўзбекистондаги кўплаб ташкилотлар узоқ йиллар давомида режали ва дастурли ёндашувлар асосида фаолият юритиб келганлигини ёндашувнинг лойиҳали тури нисбатан янгилигини инобатга олган ҳолда, уларни кўриб чиқиш биз учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз.

Лойиҳали ёндашувнинг биринчи муҳим тавсифи—бу унинг чегараланганлигидир (яни, вақт, вазифа, натижа, мақсадлар, талаб қилинадиган ресурслар ва ҳоказоларга нисбатан). Ушбу кўрсаткич лойиҳани амалга оширилишини бошқаришдаги муҳим омил ҳисобланади (уни босқичли эканлиги ва ҳар бир босқич натижаларини аниқ ҳисоблаш мумкин бўлганлиги учун); лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган ресурслар сони ва мақсадларга эришишда етарлича босқичлар мавжуд эканлиги лойиҳани муваффақиятини таъминлаб, лойиҳани янада муваффақиятини таъминланиши учун “яна озгина маблағ” сўралмаслигини кафолатлайди.



3-расм. Лойиҳали ёндашув асосида бўлажак мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг менежерлик кўникмасини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган тизими

Лойиҳали ёндашувнинг иккинчи тавсифи-бу унинг яхлитлигидир. Лойиҳали ёндашув негизида, албатта, эришиладиган натижанинг яхлит кўриниши акс этади. Бу эса, лойиҳани бошлашдан аввал унинг самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Лойиҳали ёндашувнинг учинчи тавсифи – бу унинг кетма-кетлиги ва ўзаро узвий боғлиқлигидир. Лойиҳанинг асосий қисмлари бир-бири билан ўзаро мантиқий боғланиши, бир-биридан келиб чиқиши, бир-бирини асослаши керак. Масалан, лойиҳанинг мақсади ва вазифалари тўғридан-тўғри белгиланган муаммодан келиб чиқиши, сўралаётган бюджет харажатлари эса, лойиҳани амалга ошириш учун керакли бўлган муайян ресурсларга таяниши керак. Ўз навбатида, юқорида кўрсатилган маълумотлар лойиҳа режасига, ҳаракатларига мос тушиши керак.

Лойиҳали ёндашувнинг тўртинчи тавсифи бу – унинг объективлиги ва асосланганлигидир. Лойиҳа ғояси, ёндашуви, лойиҳа ёрдамида ечими кутилаётган муаммо ва ҳоказолар тасодифан пайдо бўлмаган, балки улар муаллифларнинг муаммони ва ҳ.к.ларни тўғри англаб, белгилаганликларининг ҳосили сифатида намоён бўлади.

Лойиҳали ёндашувнинг бешинчи тавсифи бу-лоийҳанинг яқунлангандан кейинги тақдири. Ушбу тавсиф, агар молиячи у ёки бу лойиҳани, у ёки бу ташкилотни “ўзлаштириш илинжида” бўлмаган тақдирдагина лойиҳаларни баҳолаш мезони бўла олади.

Тренинг жараёнида лойиҳа тузишдан аввал талабаларга қандайдир муаммони ечимига қаратилган ғояларни ўйлаб топиш кераклигини тушунтириш лозим. Лойиҳанинг самарали амалга оширилиши танланган муаммога боғлиқдир.

1-жадвал

Таълим муассасаларида тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириши бўйича тақсимоти


№	Таълим муассасалари	Тажриба тури	Тажриба гуруҳлари			Нazorат гуруҳлари		
			5	4	3	5	4	3
1	Тошкент давлат педагогика университети	Тажриба бошида	9	20	25	6	12	13
		Тажриба охирида	16	25	13	12	11	8
2	Чирчиқ давлат педагогика институти	Тажриба бошида	5	8	14	7	15	29
		Тажриба охирида	9	13	5	15	16	20
3	Андижон давлат университети	Тажриба бошида	5	9	10	6	8	12
		Тажриба охирида	9	10	5	9	11	6
	Жами	Тажриба бошида	19	37	49	19	35	54
		Тажриба охирида	34	48	23	36	38	34

Диссертациянинг “Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш” деб номланган учинчи бобда педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, мазмуни, тажриба-синов натижаларининг математик-статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Педагогик тажриба-синов ишлари 2018-2021 йилларда Андижон давлат университети, Чирчиқ давлат педагогика институти, Тошкент давлат педагогика университетининг танлаб олинган талабалари ўртасида олиб борилган. Тадқиқот юзасидан тажриба-синов ишлари 3 босқичда 2018-2021 йилларда ташкил қилинди ва ўтказилди.

Тажриба-синовдан олинган миқдорий кўрсаткичларнинг ишончлиги ва илмий тадқиқотларда илгари сурилган фаразларнинг тўғрилигини исбот қилиш учун математик статистик усулларидан фойдаланилди (1-жадвал).

Тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида гуруҳларда ўзлаштириш баҳосининг ўртача қиймати $\bar{x} = \frac{\sum x_i m_i}{N}$ деб олинди. Бу ерда x_i – ўзлаштириш кўрсаткичи (баҳо қиймати) бўлиб, улар 3, 4, 5; қийматларни қабул қилади, m_j – баҳоларнинг такрорланишлар сони, N – тажрибада иштирок этаётган талабалар сони.



4-расм. Педагогик тажриба-синов ишларининг самарадорлик кўрсаткичлари

Статистик қийматни ва Стъудент критерийси озодлик даражасидир ҳисоблаймиз.

$$T = \frac{4,15 - 3,69}{\sqrt{\frac{0,39}{68} + \frac{0,56}{35}}} = \frac{0,46}{\sqrt{0,006 + 0,016}} = \frac{0,46}{0,1483} = 3,10$$

$$K = \frac{(0,016)^2}{\frac{(0,006)^2}{67} + \frac{(0,016)^2}{34}} = 59$$

$$t_{0,95}(59) = 2,00$$

Демак, юкоридаги ҳисобларга кўра

$$T = 3,10 > T_{0,95}(59) = 2,00 \text{ бўлгани учун } H_0 \text{ гипотезани қабул қилишга асос}$$

йўқ, шунинг учун H_1 гипотеза қабул қилинади. Бундан кўринадики, биз олиб борган тажриба гуруҳидаги тадқиқотлар назорат гуруҳида олиб борилган ўқитишдан самарали эканлиги статистик усуллар орқали тасдиқланди. Тажриба гуруҳидаги самарадорлик 1.13 баробарига ортиклиги, яъни 13 фоиз юқорилиги исботланди (4-расм).

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга, бўлажак педагогларда менежерлик кўникмаларини ривожлантириш борасидаги назарий билим ҳамда амалий кўникма ва малакаларга эга бўлишларини таъминланди.

ХУЛОСА

Олий таълим муассасалари талабаларида менежерлик кўникмасини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий таҳлиллар, тақдим этилган методик ишланма ва тавсияларни умумлаштирган ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаган ҳолда куйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Олий таълим муассасасини илмий-тадқиқот объекти сифатида муаммонинг педагогик ва ташкилий жиҳатлари кесишувида унинг моҳиятини кўриб чиқиш муҳимлиги талаб этилади. Таълим жараёнида сифат даражасининг ошиши, олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини шакллантиришга эришганлиги субъектив таълим муносабатларининг натижаси саналади.

2. Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантиришда кенг имкониятлар яратилиши учун жамоатчилик муайян даражада субъект ҳисобланади. Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантиришда уларни руҳан қўллаш ва ёрдам кўрсатиш, касбий масъулият ва бурчни шакллантириш тақозо этилади.

3. Таълим сифати самарадорлигига эришишда педагогик жамоа билан ташкил этиладиган ишлар алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жараён таълим муассасаси фаолиятини сифатли ташкил этиш ҳамда бўлажак тарбиячиларнинг менежерлик кўникмасини ривожлантиришда шахсий эҳтиёжлари ва қизиқишларини қондириш мақсадини кўзлайди.

4. Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш давомида таълим хизматларининг истеъмолчилари (талабалар, уларнинг ота-оналар, иш берувчилар, давлат ва ҳоказолар)нинг хоҳиш-истакларини қондириш маданиятига риоя қилиш кўникмаларини параллел равишда ўргатиб бориш лозим. Одатда, ўқитувчи маъруза ёки амалий машғулотдан кейин талабаларнинг кейинги фаолияти билан қизиқмайди. Бунда кўпинча шундай бўладики, бир ўқув фани бўйича олинган билим, кўникма ва малакалар кейинги ўқув курси талабларига мос келмай қолади. Бизнинг фикримизча, бундай ҳолатда кадрлар истеъмолчиларининг хоҳиш-истакларини қондирилиши уларнинг таклифлари ва тавсиялари олий таълим муассасаси фаолиятининг барча соҳаларини камраб олиши лозим.

5. Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш учун: биринчидан, таълим жараёнида тизимли ёндашувни амалга ошириш; иккинчидан, бўлажак касбни ўзига хослигини инобатга олиб, таълим мазмунини модуль-компетентлик асосида тузиш; учинчидан, ҳар бир таълим шаклида интеграция жараёнининг мувофиқлигини таъминлаш; тўртинчидан, билим олишга қизиқишни, мустақиллик, фаоллик даражасини оширадиган инновацион-интерфаол усулларни қўллаш; бешинчидан, ўқув жараёнини компетентлик асосида таъминлайдиган таълим муассасасининг моддий-техник базаси (чет тилларни ўқитиш сифати, ўқув жараёнининг ахборот ресурслари билан таъминланганлиги, лаборатория асбоб-ускуналарининг мавжудлиги, ўқитувчи ва ўқувчилар учун ўз таркибида амалий йўлланган маълумотлар билан таъминланган ўқув-услубий мажмуалар, модуллар, адабиётлар, ўқитишнинг техник воситалари компьютерлар, электрон сайтлар в.б.) билан таъминланганлигига катта эътибор қаратиш лозим.

6. Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятда менежерлик кўникмасини ривожлантириш модели мунтазам равишда ўзини ривожлантиришни амалга ошириш орқали талабаларда менежерлик сифатларини ошириш тизимини узлуксиз яхшилаб боришга йўналтирилади.

7. Олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларида менежерлик кўникмасини ривожлантиришга қаратилган методик машғулотларни қўллашнинг ўзига хослиги шундаки, бўлажак мактабгача таълим ташкилоти педагогларини педагогик жараёнга жалб этиш уларда касбий фаолиятга нисбатан ижобий муносабат шаклланишини таъминлайди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО

**ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТОЖИБАЕВА НАЗОКАТХОН КОБИЛЖОНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ РАЗВИТИЯ
МЕНЕДЖЕРСКИХ НАВЫКОВ У СТУДЕНТОВ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ
ЗАВЕДЕНИЙ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.Phd/Ped2365

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета (www.tdpu.uz), а также в информационно-образовательном портале "ZiyoNET" (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Исянов Равиль Геннадьевич
кандидат педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович
доктор педагогических наук, профессор

Хўжаев Алижон Атабекович
доктор философии по педагогическим наукам (PhD), доцент

Ведущая организация:

Гулистанской государственной университет

Защита диссертации состоится "13" 01 2022 года в "8⁰⁰" часов на заседании Ученого совета за №DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована под номером 1461). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-79-11, факс: (+99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан "5" 01 2022 года.
(протокол реестра под номером 47 от "5" 01 2022 года).



Б.С. Абдуллаева

Член Ученого совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

Р.М. Медетова

Секретарь Ученого совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., доцент

Н.А. Муслимов

Председатель ученого семинара
при Ученом совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире происходят глобальные изменения в социально-экономической и научно-технической сферах, претворяют в жизнь креативные технологии совершенствования системы высшего образования на основе требований менеджмента. Ведется планомерная работа по реализации крупных практических проектов, направленных на прогнозирование современной системы профессиональных компетенций на основе методологии Форсайта, развитию управленческих навыков у студентов в таких странах, как Южная Корея, Китай, Россия, Германия, Франция на основе социально-психологических тренингов, деловых игр, телешоу, дебатов, расширению корпоративных образовательных и коучинговых услуг на основе современных принципов управления качеством, созданию интеллектуальных информационных систем.

В мировых высших учебных заведениях проводятся научные исследования по развитию знаний, умений и навыков управления, новых личностных и профессиональных качеств у студентов высших учебных заведений и исследовательских организаций, обучению будущих учителей эффективным системам управления педагогическим процессом, использованию наиболее эффективных, инновационных методов управления, основанных на научно-технических достижениях в организации и управлении учебным процессом в образовательных учреждениях. Особое внимание уделяется исследованиям по формированию управленческих навыков у специалистов, готовящихся по педагогическим направлениям, повышению эффективности педагогического воздействия, модернизации учебного процесса, воспитанию студентов, способных мыслить самостоятельно и принимать эффективные управленческие решения.

В нашей республике созданы нормативные основы повышения управленческих навыков студентов высших учебных заведений, формирования склонности к инновациям и открытиям, творчества, приспособляемости к изменяющейся среде, предпринимательства, лидерства. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены приоритеты для «увеличения потенциала качественных образовательных услуг, продолжения политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда». В результате студенты имеют возможность совершенствовать педагогические и психологические аспекты развития управленческих навыков.

Данная диссертация служит в определенной степени реализации задач, обозначенных в Законах Республики Узбекистан № 595 «О дошкольном обучении и воспитании» от 16 декабря 2019 года и № 637 «Об образовании» от 23 сентября 2020 года, Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-6097 «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года» от 29 октября 2020 года, № ПП-2707 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы

дошкольного образования в 2017-2021 годах» 29 декабря 2016 года, № ПП-3261 «О мерах по коренному совершенствованию системы дошкольного образования» от 9 сентября 2019 года, № ПП-3305 «Об организации Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан» от 30 сентября 2017 года, № ПП-4312 «Об утверждении Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 мая 2019 года, постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 391 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности дошкольного образования» от 19 июля 2017 года и других нормативно-правовых документах, соответствующих данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Развитие управленческих навыков в образовательном процессе будущих воспитателей дошкольных образовательных учреждений нашло своё отражение в научных исследованиях К.Абдурахмонова, Н.Азизходжаевой, Р.Ахлиддинова, Х.Ахмадходжаева, Д..Аширова, Р..Джураева, Я.Исмадиярова, Р.Исянова, У.Иноятова, Ш.Курбанова, Х.Рашидова, Э.Сейтхалилова, Ш.Шарипова, Ж.Юлдашева.

Теоретико-методические основы развития лидерских и управленческих навыков были исследованы в странах Содружества независимых государств учёными Ю.Бабанским, Т.М.Баймолдаевым, Т.М.Давыденко, А.Д.Дарджанией, Т.Кабаченко, А.Я.Кибановым, Ю.А.Конаржевским, Е.М.Коротковым, Н.Селезневой, Ф.Тейлор.

Создание методического обеспечения по развитию управленческих навыков были обоснованы в трудах педагогов-психологов зарубежных государств Ch.D.Argyris, W.Bennis, R.M.Strogdill, R.Dilts, A.Fayol, A.Gilbert, McGill, J.Raven, V.Phillip и других.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Андижанского государственного университета прикладного проекта (ОТ-Ф1-118; ОТ-Ф1-125) по теме «Совершенствование методического обеспечения и профессиональной компетенции сотрудников дошкольных образовательных организаций при высших образовательных организациях» и прикладного проекта № ПЗ-2-170923121 «Развитие педагогической активности в образовательных организациях на основе сотрудничества» Ташкентского государственного педагогического университета.

Цель исследования состоит в разработке рекомендаций по совершенствованию механизмов развития управленческих навыков у студентов направления обучения дошкольное образование.

Задачи исследования:

